



**O‘ZBEK
TILSHUNOSLIGI
MASALALARI**

“КЕЛИНОЙ” ДОСТОНИДА ҚўЛЛАНГАН АНТРОПОНИМЛАР ХУСУСИДА

Қашқадарё дostonчилик мактабининг йирик вакилларида бири таниқли бахши-шоир Қодир Раҳимовдан “Жорхун мастон”, “Ойсулув”, “Келиной ёки Норгулой” сингари дostonлар фольклоршунос олимлар Абдумўмин Қахҳоров ва Абдуолим Эргашевлар томонидан ёзиб олиниб нашр эттирилган. Ушбу дostonларнинг тил хусусиятлари филология илмида ҳалигача тадқиқ этилмаган. Таниқли бахшининг дostonлари тилини, шу жумладан, дostonлар тилида қўлланган ономастик бирликларни ўрганиш ўзбек тилшунослиги олдида турган муҳим масалалар сирасига киради. Қуйида бахшининг “Келиной ёки Норгулой” дostonи матни тилида учраган киши номлари, яъни антропонимларнинг айрим хусусиятлари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Қодир бахши Раҳимовнинг мазкур дostonи [1] тилида бир қатор ономастик бирликлар қўлланилган бўлиб, уларнинг лисоний хусусиятларини, шу жумладан генеалогик қатламларини ўрганиш бахши дostonлари тили лексикаси тадқиқоти учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Достон тилида элликдан ортик антропонимлар қўлланилгани кузатилди. Булар: *Шукуралибой, Норгулой/Келиной/Ойпар, Сўлтоқ, Раҳмат, Фулом, Шердан, Омонгелди, Эргаш, Жобсақ, Хонимой, Хулкар, Хўжамаҳмуд, Фарҳод, Мажнун, Доно, Назар, Ражаб, Холёр, Абдуллахон, Мирза, Исмоил, Лайли, Шерна, Норали, Халил, Хидирали, Бибигул, Бўритош, Сулув, Барчин, Эрматбой, Шерали, Худойберди, Ойдин, Гулсум, Абдуллашер, Абдиолим, Абдиқодир (Абди Қодир), Қахҳор(ов), Усмон, Ҳазратқул, Жанда мирза, Гуландом, Алпомиш, Пирмат, Холдон* кабилардир.

Бизга маълумки, ўзбек тилининг апеллятив лексикасида тилимизнинг сўз бойлиги генеалогик жиҳатдан ўз ва ўзлашган қатламларга ажратиб таҳлил қилиш анъанаси мавжуд. Ўз қатламга умумтуркий ва ўзбекча сўзлар киритилса, ўзлашган қатламга эса араб, форс-тожик ва бошқа хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар киритилади. Бу тасниф ўзбек тилининг ономастик бирликлари учун ҳам қўлланилади. Номшунос олим Э.Бегматовнинг ишларида айнан шу ҳолатни кузатамиз. Шунинг учун ҳам ўрганилаётган дoston тилида қўлланилган антропонимларни ҳам қайси тил оиласига мансублигига кўра туркий (ўзбек), араб ва форс-тожикча номлар сифатида лисоний қатламларга ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, дoston тилида ишлатилган антропонимларни воқеликка муносабатига кўра ҳам маълум қатламларга ажратиб ўрганиш мумкин. Бу хусусият лингвистик адабиётларда қайд этиб ўтилади [2]. “Келиной” тилида қўлланилган антропонимларни ана шу икки жиҳатига кўра таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

1. Туркийча номлар. Туркий тилларга мансуб номлар дoston матнида салмоқли ўринни эгаллайди. Масалан: *Бибигул, Эрдон, Бўритош, Барчин,*

Сулув, Алпомиш, Эргаши, Ойпари, Ойдин, Сўлтоқ, Хонимой, Ҳазратқул, Жобсақ каби номлар шу қатламга киради.

Бу қатламга кирувчи антропонимларни туб ва ясамалигига кўра ҳам бошқа микроқатламларга ажратиб ўрганиш мумкин. *Барчин, Сулув, Эргаши, Ойдин, Сўлтоқ, Жобсоқ* сингари номлар туб номлар сифатида ажратилса, *Бибигул, Бўритош, Алпомиш, Ойпари, Хонимой, Ҳазратқул* сингари номлар ясамалилик мақомига эга. Ясама деб ажратаётган номлар ичида арабча ёки форс-тожикча асосларга кўшилиб ясалган антропонимик бирликлар ҳам учрайди. Улар қуйидаги хусусиятларга эга:

а) арабча сўздан ясалган туркийча номлар: *Абдуллахон, Омонгелди* кабилар. Достон тилида тарихий шахс номи сифатида қайд этилган Бухоро хони Абдуллахон морфемик жиҳатдан икки таркибий қисмга ажралади: *Абдулла+хон*. Морфеманинг биринчи қисми араб тилидан ўзлашган киши номи саналса, иккинчи қисми эса антропонимларга кўшилиб келадиган индикатордир. *Хон (қон)* индикатори аслида хукмдор, бошлиқ, подшоҳ маъноларини билдиради. “Исмлар таркибида эса улуғ мартабали, эъзозли, обрўли; улғайиб элга бош бўлган маъноларини ифодалайди” [3:586].

Омонгелди антропоними ҳам икки морфемадан ташкил топган: *Омон+гелди*. Омон араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “Ўзбек исмлари” луғатида шу асосли 51 та сўз (ном) келтирилган. Антропонимнинг иккинчи қисми ўзбекча сўздир. “Ўзбек исмлари” луғатида *гелди* морфемасининг *келди* варианты асосий шакл сифатида изоҳланганини кўрамиз [3:322-324].

б) форс-тожикча сўздан ясалган туркийча номлар: *Норали, Пирмат*. Бу антропонимлар ҳам икки морфемали бўлиб, уларнинг биринчи морфемалари *Нор, Пир* форс-тожик тилидан ўзлашган, иккинчи морфемалар эса арабчадир. Пирмат антропонимининг иккинчи қисми мат Муҳаммад исмининг қисқарган шакли эканлиги исмлар луғатида ишора қилинган [3:341].

Достон тилида учровчи Ойпари достоннинг бош персанажи Норгулойнинг иккинчи номи, яъни лақаб ном мақомига эга.

2. Арабча номлар. Достон тилида арабча номлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. *Мажнун, Лайли, Тоҳир, Зухро, Халил, Абдиолим, Гулсум, Назар, Абдиқодир, Хидирали, Шукуралли, Ҳазрат, Қаҳҳор, Фулом, Раҳмат* каби антропонимлар араб тилидан ўзлашган ва ҳозирги антропонимик лексикада ҳам кўп учрайдиган бирликлардир. Арабча номлардан *Мажнун, Лайли, Тоҳир, Зухро* сингарилар халқ достонлари ва бадий достонлар тилида энг кўп учровчи исмлар бўлиб, ушбу достон тилида услубий вазифа бажариш нуктаи назаридан қўлланилган. *Халил, Гулсум, Назар, Хидирали, Шукуралли, Ҳазрат, Фулом, Раҳмат* сингари антропонимлар бевосита достоннинг поэтик қахрамонлари номи. *Абдиолим, Абдиқодир (Абди Қодир), Қаҳҳор* номлари эса достоннинг яралиши ва оққа кўчирилишига бевосита алоқаси бўлган шахс номлари. *Абдиқодир (Абди Қодир)* Қодир бахшининг номи. *Абдиолим (Эргашев)* ва *Қаҳҳор (Абдимўмин Қаҳҳоров)* номлари эса достонни ёзиб олган олимлар номлари. Бу номлар достон сўнгида ахборот учун келтирилган.

3. Форс-тожикча номлар. Достон тилида форс-тожикча номлар туркийча ва арабча номларга нисбатан камроқ қўлланилган. *Гуландом, Холёр,*

Доно, Мирза, Норгулой, Холдон, Шерна, Хулкар, Жанда каби номлар ана шу тиллардан ўзлашган. Бу номларнинг барчаси поэтик номлар саналади. Жумладан, Норгулой дostonнинг бош қахрамони номи. Гуландом, Хулкар, Холдон исмлари Норгулой билан бир овулда яшовчи қахрамонлар. Холёр, Доно чўпонлар номлари. Шерна бошқа овулда яшовчи бой.

4. Форс-тожикча ва арабча сўзлардан ясалган номлар. Дoston тилида икки ўзлашма сўзнинг бирикувидан ташкил топган *Шерали* антропоними қўлланилган.

Дoston тилида қўлланилган антропонимларни вокеликка муносабатига кўра қуйидаги қатламларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Тарихий шахслар номлари. *Абди Қодир (Абдиқодир), Абдуолим, Қаҳҳор(ов), Абдуллахон* сингари номлар ана шу қатламга киради. Улар дoston вокеаларида бевосита иштирок этмайди, лекин маълум поэтик мақсадга кўра қўлланилган. Масалан, юкорида таъкидлаганимиздек, Абдиолим исми дoston вокеалари ичида учрамаса-да, дostonни оққа кўчирувчи шахс сифатида бахши томонидан тилга олинган. Бундай ҳол Қодир бахши Раҳимовнинг “Жорхун мастон” дostonида ҳам учрайди.

2. Ўзбек халқ дostonлари тилида фаол учрайдиган анъанавий номлар. Бундай номлар айрим тадқиқотларда прецидент номлар сифатида тадқиқ этиб келинади. Д.Анданиёзованинг ёзишича, прецидент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлиши мумкин. “Улар кенг оммага маълум бўлган бадий ва диний матнлар, дoston, ривоят ва эртақ, латифа ва кинофильмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин” [4:77]. “Келиной” дostonи тилида ҳам *Мажнун, Лайли, Тоҳир, Зухро, Барчин, Юнус, Ҳасан, Алпомиш, Рустам, Гўрўгли, Зулайҳо* каби прецидент номлар бирор бир мақсад асосида қўлланилган ва улар маълум бир функцияни бажарган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, “Келиной” дostonи тилида учровчи антропонимик бирликларнинг лисоний хусусиятларини ўрганиш Қодир бахши дostonлари тили лексикаси тадқиқоти учун бой материал бера олади.

Адабиётлар:

1. Раҳимов Қодир. Келиной ёки Норгулой. Дoston. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Эргашев. – Қарши: Қарши давлат университети нашриёти, 2011. -102 б.

2. Жуманазарова Г. Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. -112 б.

3. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси: (Изоҳли луғат). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. -608 б.

4. Анданиёзова Д. Ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни./ Ўзбек тили ва адабиёти. Журнал. 2014. №5. – 75-79 б.

<i>M.O. Musurmonova</i> , Ingliz va o'zbek tillaridagi iqtisodiy terminlarning qiyosiy tahlili xususida.....	112
<i>III.P. Mусурмонова</i> , Чет тилларини ўқитишда замонавий ахборот коммуникация технология-ларидан фойдаланиш.....	115
<i>M. Mustafoyeva</i> , Ingliz tili frazeologik birliklarini o'qitish va o'rganishdagi qiyinchiliklar.....	117
<i>D. Muqimova</i> , Nemis tilida predloglarning bog'lanishi.....	119
<i>T. Murodova</i> , Nemis va o'zbek tillarida gumon olmoshlari.....	121
<i>U. N. Nazirova</i> , Nemis tili fe'l so'z turkumida zamon kategoriyasi.....	123
<i>F. Otamurodova</i> , Til va madaniyat uyg'unligi.....	125
<i>Z. Oqboyeva, K. Oqboyeva</i> , Chet tilini o'rgatishda bolalar adabiyotidan foydalanish.....	127
<i>R. Polvonova</i> , Nemis va o'zbek tillarida nisbat kategoriyasi.....	129
<i>З.Х. Раҳматова</i> , Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг луғат бойлигини ошириш.....	131
<i>Ж.Э. Рўзиева</i> , Замонавий немис тилидаги "können" модал феълли конструкциянинг ўзбек тилида ифодаланиши.....	134
<i>З.Ш. Шукурова</i> , Инглиз тили предлоглари ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши.....	137
<i>G.S. Qo'shayeva</i> , Chet tili darslarida interfaol metodlardan foydalanish.....	139
<i>S.S. Elmurodova</i> , Ingliz tili idiomalarining o'zbek tilida qo'llanilishi.....	142
<i>G.C. Xojсиева, Г.А. Турова</i> , Француз тилидаги "кизил" ("rouge") ранг воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар семантикаси (Проспер Мериме асарлари мисолида).....	144

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА ВА МАГИСТРЛАР

<i>Bahromova Vazira, N. Musulmonova</i> , Badiiy uslubning grammatik vositalari.....	147
<i>H. Yo'ldosheva, O. Shukurov</i> , Ona tili ta'limi sifatini oshirishda innovatsiya-ning o'rni.....	149
<i>N. Maxmadmurodova, B. Bahriddinova</i> , Kesim haqidagi ta'limotning o'zgarishi va qo'shma gaplarni ajratish muammolari.....	151
<i>G. Oripova, N. Musulmonova</i> , Koreys va o'zbek tillarida nisbat kategoriya-sining ifodalanishi.....	152
<i>Э. Ортиқова, Э. Жабборов</i> , "Келиной" достонида қўлланган антропонимлар хусусида.....	155
<i>X. Rahimova, B. Bahriddinova</i> , Qaynona nutqining sotsiolingvistik talqini... ..	158
<i>I. Ro'ziyev, B. Bahriddinova</i> , Maktabda izohlovchining o'rganilishi.....	159
<i>N. Tilakova, O. Shukurov</i> , Dunyo tillari xususida.....	161
<i>Y. Choriyeva, M. Nabiyeva</i> , OT yasovchi affikslarda omonimlik hodisasi.....	163
<i>D. Qo'ziboyev, B. Bahriddinova</i> , O'zbek tilida -g'u, -gu, -ku, -qu affiksari-ning vazifasi haqida ba'zi mulohazalar.....	165
<i>A. Абдуллаева, М. Рахимова</i> , Фразеологик бирликларининг немис ва ўзбек тилларида қиёсланиши.....	168
<i>Д. Абатов, Э. Жабборов</i> , Айрим ахборот технологиялари терминларининг луғавий маъноси тадқиқи.....	170